



МАЖБУРИЙ КЎЧИРИЛГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДАГИ АЙРИМ ХУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи

Таянч докторант

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти

erkinovnalyuda95@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11532583>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil

Ma'qullandi: 04- June 2024 yil

Nashr qilindi: 08- June 2024 yil

KEY WORDS

депортация тарихи,
Ўзбекистон миллий архиви
манбалари, Ўзбекистон ССР ХКС
хузуридаги кўчириш
бошқармаси, кўчириш бўлимига
оид хужжатлар, мажбурий
кўчирилган халқлар
таъминотида оид манбалар
таҳлили.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон ССРга депортация қилинган халқларнинг тарихи акс этган манбаларни ўрганиш, Ўзбекистон миллий архивида совет ҳокимияти томонидан мажбурий кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи хужжатларни тадқиқ этиш ва уларнинг таҳлил этиш масаласи кўриб чиқилган.

XX асрнинг 30-40 йилларида, совет ҳокимиятининг энг адолатсиз сиёсати қурбони бўлиб, қатағонга учраган бир қатор “жазоланган халқлар” мажбурий Ўзбекистон худудига кўчириб келтирилди. Улар орасида сон жиҳатидан энг кўпи қирим татарлари (147 170 киши), корейслар (74 206 киши) ва месхети турклари (53 133 киши) эди. Тарихшунослик ва манбушонслик нуқтаи назаридан уларнинг депортация бўлиши сабаблари ва оқибатлари бўйича жаҳон ва МДХ давлатлари миқёсида қатор тадқиқотлар амалга оширилган, аммо улар кўчирилган худудлардаги турмуш шароитлари, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти кам ўрганилган масалалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Мавзу бўйича алоҳида миллий ёки хорижий адабиётлар мавжуд эмас. Ушбу халқларнинг Ўзбекистондаги тақдирининг тарихий жиҳатларини мукамал тарзда ёритиш учун энг аввало бирламчи манбаларга, архив хужжатларига мурожаат қилишимизга тўғри келади. 2000 йиллар бошида Совет ҳокимиятининг депортация сиёсатини тадқиқ этган олима Адолат Раҳманқулова Ўзбекистон Миллий архивидаги хужжатларни корейс халқи мисолида таҳлил этиб берган эди [1]. Унинг мақолаларида зўрлик билан кўчирилган аҳолининг ижтимоий-маданий, иқтисодий аҳволи ва мажбурий миграция оқибатлари архив манбалари асосида ёритиб берилган.

НАТИЖАЛАР. Ўзбекистон Миллий архиви жамғармаларида сақланаётган

Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари советининг Р-№837 жамғармаси ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети, Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги кўчириш бошқармасининг Р-№314 жамғарма ҳужжатлари мажбурий кўчирилган аҳолининг Ўзбекистон ССРдаги тарихини таҳлил этишга ёрдам беради. Ҳужжатларда Ўзбекистон ХКС, ВК қарорлари, Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги кўчириш бўлими, бошқармасига тегишли ҳисоботлар, актлар, ёзишмалар, шикоят ва тушунтириш хатлари, сўровномалар ва хулосавий ахборотлар жамланган. Жумладан, Р-№314 жамғармаси Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги аҳолини эвакуация қилиш бўйича ваколатли бошқармасига тегишли архив ҳужжатларидан иборат бўлиб, ушбу жамғармага 1939 йил 14 сентябрдан Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Кўчириш бўлими ҳужжатларидан бошлаб рўйхатлар киритилган.

Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Кўчириш бўлими Қорақалпоғистон АССР ва Фарғона, Хоразм, Тошкент, Бухоро, Самарқанд вилоят ижроия қўмиталари қошида ҳам ташкил этилган. Худди шу жамғармада Иккинчи жаҳон уруши даврида кадрлар етишмовчилиги ҳамда моддий шароитлар етарли бўлмаганлиги сабабли ҳужжатларнинг асосий қисми 1944 йилдан бошлаб юритилганлигини кўришимиз мумкин. Давлат мудофаа қўмитасининг 1944 йил 25 сентябрдаги №6600 қарорига асосланиб, Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети ҳузурида Кўчириш бошқармаси ташкил этилган [2]. Вилоят ижроия қўмиталари ҳузурида Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кўчириш бўлимлари ва Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида кўчириш гуруҳлари тузилган бўлиб асосий иш ҳужжатлари шу бўлим ва гуруҳлар томонидан олиб борилган. Ушбу бошқарма ҳамда бўлимлар 1953 йилдан кейин ўз фаолиятини тўхтатган.

МУҲОКАМА. Р-№314 жамғарманинг №7 рўйхат №1 ишида 1939 йилда Узоқ Шарқдаги Уссур вилоятидан Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ҳудудларига эшелонларда кўчирилаётган корейс миллатига мансуб аҳолининг ҳар бир вагондаги сони ва номма ном рўйхатлари акс этган. Р-№314 жамғарманинг №7 рўйхат №5 ишида махсус кўчирилган аҳолининг хўжалик тузилмалари ва моддий шароитлари акс эттирувчи ҳисобот хатлари, маълумотномалар, ахборот ҳисоботлари жамланган. Хусусан, махсус кўчирилган аҳолининг хўжалик-маиший ҳаётини яхшилаш учун барча чора тадбирлар, шунингдек йўл қўйилган камчилик ва хатолар, етишмовчиликлар ҳақида хулосалар ушбу ҳужжатларда ўз аксини топган. “Ўзбекистон ССР ҳудудига жойлаштирилган Грузия ССРдан кўчирилган ва Қиримдан махсус кўчирилганларнинг хўжалик ва маиший турмуши бўйича тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги ҳисобот хатида [3] келтирилишича Ўзбекистоннинг 62 туманига Қиримдан 37 325та оила кўчириб келтирилган бўлиб, уларнинг 10 521таси корхоналарга, 7833таси совет хўжаликларига, 18 881таси жамоа хўжаликларига жойлаштирилган. Кўчирилганларни қабул қилган колхозлар учун бепул чорва ва отлар тақдим этилганлиги, СССР фондарида махсус кўчирилганларга 1945 йил март ойигача жами 6060 тонна буғдой, киши бошига ҳар бир ой учун 8 кг 200 грдан тарқатилганлиги, мухтож оилаларга кредитлар ажратиш молиявий танқисликларга учраганлиги, худди шундай озиқ-овқат, сабзавотлар етказиб бериш ҳам тўлиқ бажарилмаганлиги, уларнинг хўжалик турмушини яхшилаш учун оёқ кийим, жун ва тери маҳсулотлари ҳамда уй-жой қурилиши учун ҳомашёлар етказиб берилганлиги ҳақидаги масалалар ушбу

хужжатларда кўрсатиб ўтилган.

Уларда келтирилишича 1944 йил декабрь ҳолатига кўра Ўзбекистон ССРга 10 616 та Грузия ССРдан оилалар кўчирилган бўлиб, дастлабки даврда улар жойлашган ҳудудларга тиббий санитар хизматлари ташкил этишга киришилган, жойлашиш вақтида 5 кун давомида уларга ун, гўшт, ёғ бериб турилган. Давлат мудофаа қўмитасининг кўрсатмаларига кўра Гўшт-сут саноати халқ комиссарлиги, Хомашё ва Ер халқ комиссарликларига кўчирилган оилаларда аввал мавжуд бўлган мулкларига мос алмашинув квитанцияларига қараб таъминотларни амалга оширишлари учун қатор вазифалар юклатилган. Кўчирилганларни қабул қилган жамоа хўжаликлари 2 йил давомида солиқ, давлатга турли йиғин ва жўнатмалар юборишдан озод этилган. Бундан ташқари уй-жой қуриш ва хўжаликларини ташкил қилиш учун кўчирилган оилаларнинг ҳар бирига 7000 рубл миқдорида кредит ажратилиши белгиланди. Аммо, уларни иш билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган.

Ўзбекистон ССРга халқларни мажбурий кўчириш ўта оғир ва мураккаб вазиятда содир этилганлиги, марказ томонидан юборилган топшириқларни сўзсиз адо этишга мажбур бўлганлиги, республиканинг моддий ва иқтисодий аҳволи бунга тайёр бўлмаганлиги туфайли кўчирилган аҳоли вакиллари жуда катта қийинчилик ва муаммоларга учрадилар. Жумладан, Ер тузилиши бошқармаси муҳандисининг Ўзбекистон ССР ВК ҳузуридаги Кўчириш бошқармаси раҳбари Ғофуров номига ёзган ҳисобот хатида махсус кўчирилганлар Андижон шаҳридаги корхоналарга жойлаштирилган кишиларнинг моддий шароити нисбатан яхши эканлиги, аммо қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи туманларга жойлаштирилганлар уй-жой, кийим кечак масаларида танқисликларга учраётганлиги, вилоят ижроия қўмиталари томонидан махсус кўчирилган болаларнинг Фабрика-завод ва касб-ҳунар мактабларига қабул қилишга рухсат берилмаганлиги айтиб ўтилган [4]. Р-№314 жамғарманинг №7 рўйхат №24 ишида Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Тошкент вилоят ижроия қўмиталари ҳузурида ташкил этилган кўчириш бўлимлари катта инспекторларининг ҳисобот хужжатлари мавжуд бўлиб, уларда мажбурий кўчирилган оилалар дуч келган камчилик ва қийин вазиятлар, шикоятлар ҳақида сўз боради.

ХУЛОСА. Қатағон ўз моҳиятига кўра инсоният бошига оғир кулфатлар келтирувчи зўрликка асосланган тоталитар ҳокимиятнинг асосий қуролидир. Бу қурол ёрдамида жамият эркинлиги ва тараққиёти илдизига болта урилади, келажак нишонлари эса янчиб ташланади. Совет ҳокимияти бутун ҳукмронлиги даврида ана шу қатағон қуролидан фойдаланиб, нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун бошли халқларни ҳам аяб ўтирмади ва уларга зўрлик ишлатиб ўз эркинликларидан хаттоки, яшаб турган ватанларидан жудо этишга эришди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, совет ҳокимиятининг халқларни мажбурий кўчириш сиёсатининг моҳиятини очиб берувчи, тоталитар тизим бошқарувида амалга оширилган қатағоннинг оғир оқибатларини ҳамда Ўзбекистон тарихининг мустабид тузум давридаги мураккаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини кўрсатиб берувчи хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистон Миллий архиви жамғармаларидаги маълумотларнинг манбавий жиҳатдан қимматли эканлигини англаш мумкин.

Адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. А.Раҳманкулова. Документы ЦГА Республики Узбекистан по истории депортации

ародов в Узбекистан в 1930-е годы (на примере корейцев). <https://koryo-saram.site/dokumenty-tsga-respubliki-uzbekistan-po-istorii-dep>.

2. Ўзбекистон миллий архиви. 314-фонд, 7-рўйхат, 26-иш, 77-варақ.

3. Ўз.МА. 314-ф, 7-р, 5-и, 134-139 в.

4. Ўз.МА. 314-ф, 7-р, 5-и, 123-127 в.



INNOVATIVE
ACADEMY